

*Нигора Хусанова, ЎзМУ магистранти
Nigora Khusanova, master student NUUz
С.Агзамходжаева, ЎзМУ ф.ф.д., проф.
S.Agzamkhodjaeva, professor of NUUz*

ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ ЁШЛАР МАЬНАВИЙ ОНГИГА ТАЪСИРИ

Аннотация: Глобаллашув шароитида ёшлар маънавий онгини юксалтириш ҳақидаги тасаввурларнинг ўзгариб бориши уларнинг моҳияти, намоён бўлиш шакллари тўғрисидаги турлича баҳс-мунозарали фикр-мулоҳазаларни келтириб чиқармоқда.

Калит сўзлар: глобаллашув, ёшлар, махнавият, маънавий онг.

THE IMPACT OF GLOBALIZATION ON THE SPIRITUAL CONSCIOUSNESS OF YOUNG PEOPLE

Annotation: In an atmosphere of globalism, the changing perception of young people about raising their spiritual consciousness is bringing about a variety of controversial opinions about their essence, forms of manifestation.

Keywords: globalism, youth, maximalism, spiritual consciousness.

Глобаллашув шароитида ёшлар маънавий онгини шакллантириш муаммоларини кенг кўламда тадқиқ этиш долзарб масалага айланиб бормоқда. Бу борада илмий-назарий аҳамиятга эга монографиялар, рисолалар, тўпламлар чоп этиш, докторлик ва номзодлик диссертацияларини ёқлаш истиқболда ўз самарасини беради, албатта. Шу боисдан глобаллашувнинг ёшлармаънавий онгига таъсирининг концептуал асосларини тадқиқ қилиш муҳим. Чунки, илмий-назарий ва услубий адабиётларда мазкур муаммонинг турли қирралари ҳар томонлама ва мукаммал таҳлил этилмаган. Мазкур ҳолат фалсафа ва этика фани доирасида эришилган илмий изланишлар натижаларига таянган ҳолда, ушбу тушунчалар мазмунига аниқлик киритиш, илмий асосланган таърифларини ишлаб чиқишини тақозо қилмоқда.

Бугунги глобаллашув жараёни ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига ўз таъсирини кўрсатмоқда, хусусан, ёшлар ҳам бу жараёндан ҳоли эмас. Бу бир томондан умумий, табиий жараён. Чунки ҳозирги ахборотлашган жамият муҳитидан ёшларҳам турли омиллар орқали хабардор бўлмоқда. Лекин уларнинг мафкуравий иммунитет даражаси қадриятларга нисбатан

турлича бўлиши мумкин. Айрим ёшлар онгида халқнинг миллий-маънавий қадриятларга мос бўлмаган хатти-харакат, носоғлом ғоялар, қадриятларга мойиллик пайдо бўлишининг олдини олишда маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, сухбатларнинг тез-тез ўtkазилиб туришига эҳтиёж сезилади. Бу қуидагилар билан боғлиқ: Биринчидан, глобаллашув жараёнида жамиятимиз маънавий ҳаётига хавф колаётган хатарлар, таҳдидлар ўзига хос шаклда намоён бўлиб, уларнинг таъсир кучи кундан-кунга ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга қўтариш тўғрисида”ги №3160-сонли қарорида таъкидланганидек, “Бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай мураккаб ва таҳликали вазият соҳада амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, унинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда”. Шунингдек, Президентнинг халқаро тинчликни таъминлаш соҳасидаги фаолиятини таъкидлаб ўтишимиз жоиз. “Биз ташаббус тариқасида Афғонистонда таълимни қўллаб-қувватлаш бўйича маҳсус халқаро фонд ташкил этишни таклиф қиласиз. Бундан кўзланадиган асосий мақсад – мамлакатда талаб катта бўлган соҳалар бўйича миллий кадрлар тайёрлаш, истеъододли Ёшлар ва ёш олимлар учун стипендия ва грантлар ажратиш борасида афғон томонига қўмаклашишдан иборат. Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни зўровонлик ва радикализм мафкурасидан ҳимоя қилишда ёрдам беради”. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Барчангизга аён, ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олмоқда. Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” каби хавф-хатарлар

кучайиб, одамзот асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятларга путур етказмоқда. Мана шундай ва бошқа кўплаб таҳдидлар инсоният ҳаётида жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани - айни ҳақиқат ва буни ҳеч ким инкор этолмайди”.

Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёев БМТ фаолиятига тўхталиб ўтар экан, унинг келгусида барқарор иш олиб бориши учун Хавфсизлик Кенгашига аъзо давлатлар сонини оширишни таклиф қилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари бугунги кунда инсоният тарихидаги энг кўп ёшлар қатлами мавжудлигини инобатга олган ҳолда БМТ минбарида Ёшлар хукуqlари тўғрисидаги БМТ конвенциясини қабул қилишни таклиф қилди. Мамлакат президенти бунга асос қилиб, ёшларнинг сони икки миллиардан ортиб қолгани, халқаро терроризм ва эскремизм шиддат билан ўсиб бораётган бир пайтда ёшларга ҳимоя зарурлигини муҳим масала сифатида кўрсатди. Зеро, глобаллашув воситалари “оммавий маданият”ни кенг ёйилишига имконият яратмоқда. У ўзбек халқининг тафаккурига, мусиқаси, кийиниши, ўзаро муомаласи, оиласи, оилавий муносабатларига, ҳатто орзуларига ҳам чанг солмоқда. Бизга қарши маънавий қўпорувчилик олиб бораётган мафкура полигонлари ўз мақсадига эришиш учун ҳеч нарсани аямаяпти, ҳамма воситаларни ишга солмоқда, кўплаб маблаг сарфламоқда, энг замонавий усул-услубларни қўллаган ҳолда, ёшларни ўзига ром этадиган турли томошалар, кўнгилочар кўрсатувлар, мусикий каналлар ташкил этмоқда. Бундай манбалар орқали бузғунчи ғоялар тарғиб этилмоқда, энг ёмони уларни ҳали оқ-қоранинг фарқига бормайдиган, ишонувчан, таъсирга берилувчан ёшларимиз кўряпти, томоша қиляпти. Бу эса “оммавий маданият” тизими, маҳсулотлари, ёшларимизни аврашнинг ўзига хос усули шакллангани, демак, уларга қарши кураш ҳар биримизнинг кундалик амалий ишимизга айланиши зарурлигини тақозо этмоқда. Шундай экан талаба-ёшларимиз ўз дунёқарашида миллий қадриятларга таянmasa,

уларнинг онги ва тафаккуридан мутлоқо бегона қадриятлар жой олади. Ўзининг миллий қадриятларига нисбатан беписандлик билан қараш шаклланади. Шунинг учун ҳам бу ёш авлод билан ишлаш жараёнида айни шу ҳолатларни ҳам алоҳида ҳисобга олиш керак. Айниқса, ёшларнинг миллий ва умуминсоний қадриятларга бўлган муносабатининг бугунги ҳолатини рационал ўрганиш, уларнинг амалий фаолиятларида кўпроқ қайси қадриятлар устивор бўлиб бораётганини аниқлашга ёрдам беради.

Глобаллашув жараёнларида ёшлар “оммавий маданият”, миллат ва юрт учун бутунлай бегона бўлган салбий ахборот таъсирларига тушиб қолмоқда. Бундай таҳдидларни олдини олиш учун “...маданият ва маърифат, – деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев, – ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишларни янада кучайтириши зарур. Бу бугун бизнинг барчамиз учун ҳаётий муҳим вазифадир”. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 72 сессиясидаги нутқида “Ёшлар хуқуқлари тўғрисида”ги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш заруратини асослаб, “Сайёрамизнинг эртанги қуни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир”, – деб таъкидлаган эди. Бугунги куннинг асосий вазифаси – ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш, улар қалбида ўз халқи, ватанига меҳр-садоқат туйғуларини шакллантириш, уларни ҳар хил бузгунчи кучларнинг ахборот хуружларидан оғоҳ этиш ҳамда ҳимоя қилишдан иборат.

Маънавий таҳдидларнинг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари ва ижтимоий оқибатларини бугунги давр нуқтаи назаридан ўрганиш, илмий таҳлил қилишда янгича ёндашувлар тақозо қилмоқда; Иккинчидан, ҳозирги инсоният тараққиёти даврида ахборот-коммуникация воситалари

маънавий, мафкуравий таъсир кўрсатишнинг замонавий қуролига айланиб, улар глобаллашув жараёнида тезкор, хилма-хил шаклларда намоён бўлмоқда. Шу боис, бузғунчи ва вайронкор ғояларнинг бугунги даврда намоён бўлиш хусусиятларини ижтимоий-сиёсий жиҳатдан илмий тадқиқ этиш аҳамият касб этади; Учинчидан, бугунги кунда ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Ёшлар турли объектив ва субъектив омиллар таъсирида маънавий таҳдидларнинг асосий объектига айланиб, бугун ёшлар кучли гоявий, мафкуравий ва информацион босим остида яшашга мажбур бўлмоқда. Бу маънавий таҳдидларнинг олдини олишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида ёшларимизнинг ҳаётий мақсадларини, орзу-идеалларини билиш, маънавий ҳаётидаги устувор йўналишларни аниқлашни талаб этади; Тўртинчидан, юртимизда ўзининг маънавий-мафкуравий таъсир кучига кўра оила, маҳалла, таълим-тарбия тизими ва ОАВ гоявий-мафкуравий тарбия жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги пайтда, ушбу фуқаролик жамияти институтлари маънавий таҳдидларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда муҳим ўринга эга. Шу сабабли, уларнинг фаолиятида жамият маънавий хавфсизлиги масалалари уйғунлигини таъминлашни тизимли таҳлил қилиш орқали мавжуд муаммо ва камчиликларнинг оқилона ечимларини топишга хизмат қиласди.

Адабиётлар:

1. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида ўтказилган халқаро конференциядаги нутқи. Халқ сўзи газетаси 2018 йил 28 март, № 59-60.

2. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 1 июль.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 72 сессиясидаги нутқи. “Халқ сўзи”, 2017 йил, 19 сентябр.